


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

30-aprel
2026-yil
17 (1 171)

21asr.uz XXlasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

“ХАЛҚ БИЛАН БИРГА”



МАЙДОН КЕНГ, ИМКОНИЯТ КАТТА, ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ДЕДИ O'zLiDeP ЛИДЕРИ АКТАМ ХАИТОВ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЁР ҚАБУЛДА

Ҳаммамиз гувоҳимиз: шу ой бошида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шафелиги остида “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури мамлакатнинг барча нуқталарида старт олди!

Албатта, дастур билан обдан танишган ҳар бир юртдошимиз кўнглида турли ўй-хаёллар кечади. Ва табиийки, бошқа сиёсий кучлардан фарқли ўлароқ нега O'zLiDeP, аввало, кенг жамоатчилик, қолаверса, шу партияга хайрихоҳлар эътиборига ушбу ҳаётий ҳужжатни тақдим этди? Белгиланган йўналиш ва вазибалар кўлами ҳам ҳаддан ташқари катта, бир қарашда бажариш мураккабдек туюлади айримлар назарида. Лекин...

Тўғри, дастур ижросини таъминлаш осон кечмаслиги аён. Аммо дастлабки учрашув-мулоқотлардан оқ сезилдики, халқимизнинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларга ишончи кучли, эртанги ёруғ кунлардан умиди катта, муҳими, ўзгариш ва бунёдкорликлар аҳолининг барча қатламларини руҳлантиряпти. Асосийси, барча ҳудудларда мазкур дастур доирасида партия фаоллари, электорат вакиллари ҳамжиҳатликда муаммоларни ўрганиб, таҳлил этибгина қолмасдан, аксинча, ўша жойнинг ўзида ижобий ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.

Бугун Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятида ташкил қилинган сайёр қабуллар ҳақида тўхталамиз.

3



Шавкат МИРЗИЁЕВ

Яқинда азим пойтахтимизда очилган, Янги Ўзбекистон дурдонаси сифатида эътироф этилаётган Ислом цивилизацияси маркази ҳам бу борада улкан қадам бўлди. Таъкидлаш керакки, ушбу мажмуа экспозициясида Фарғона тарихига алоҳида ўрин ажратилган. Бу масканда тўртта йирик порталдан биттаси Кўкон портали деб аталади, Биринчи Ренессанснинг буюк намоёндалари – Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғиноний боболаримиз фаолияти атрофлича ёритилган. Буларнинг барчаси – Фарғона вилоятига, бу замин фарзандларига юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

O'zLiDePдан янги лойиҳа:



#XalqBilanBirga

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонларни ўйлантираётган муаммолар очиқ айтиладиган ва уларга ечим топиладиган “Бизнес клуб” лойиҳасини бошлади!

Одатда кўпчилик тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммо моҳияти деярли бир хил: яъни мурожаат қилинади, лекин жавоб олиш муддати чўзилади ёки энг ташвишланарли жиҳати – аниқ натижа бўлмайди. Энди эса партия ташаббуси билан ушбу янги платформа орқали муаммолар бевосита кўтарилди, муҳокама қилинади ва амалий ечимлар ишлаб чиқилади. Энг муҳими, бу – фақат қуруқ гап эмас, аксинча, реал ишлаш механизмга айланиши кутиляпти. “Бизнес клуб”да тадбиркорлар исталган масалада мурожаат қилишлари мумкин: масалан, солиқ, руҳсатномалар, текширувлар, инфратузилма ва ҳоказо...

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ОЧИҚ “БИЗНЕС КЛУБ” МАЙДОНИ

Қандай муаммога жавоб топилмаётган бўлса, ана шу майдонда очиқ айтилади. Ва шу йўл орқали умумий бизнес муҳитини энгиллаштиришга ҳаракат қилинади. Масалан, шу йилнинг 4 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтадиган илк мулоқотда аксарият тадбиркорлар қатлами ўртасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган ташқи реклама масаласи атрофлича муҳокама қилинади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки кўпчилик худди ана шу муаммога ечим топишда турли кўринишдаги тўсиқларга дуч келмоқда. Агар шу каби муаммоларга босқичма-босқич ижобий ечим топилса, мамлакат тараққиётининг локомотиви ҳисобланган энг катта қатлам – тадбиркорлар учун ҳам сезиларли даражада энгиллик яратилади. Хуллас, гоё яхши, талаб ва таклифлар ҳам ўринли. Фақат энди муҳим бир жиҳати, ушбу ташаббус амалда қандай ишлайди? Биз кутаётган натижа қандай бўлади? Буни вақт кўрсатади. Марҳамат, “Бизнес клуб” лойиҳасида фаол қатнашинг! Биргаликда биз – кучмиз!

Лойиҳада иштирок этиш учун:

@onlayn_murojaat_uzlidep

Таклиф ва муаммолар учун:

@TadbirkorlarBilanUchrashuv_bot

2 Севара УБАЙДУЛЛАЕВА: ҚОНУНЛАР ВА ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҒИ КЕРАК!



4 ОДАМЛАРНИ ИШОНЧ БИРЛАШТИРЯПТИ



6 АСЛ САНЪАТ ИНСОНИЙ ИЗТИРОБЛАРДАН ЯРАЛАДИ



6 ТАРИХ ЭРТАК Ё ТЎҚИМА ЭМАС, ҲАҚИҚАТГА СУЯНАДИ



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА:

ҚОНУНЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҒИ КЕРАК!



Газетамизда ушбу рўқни очишга очдиг-у, кейин анча ўйланиб қолдик. Сабаби, сиёсатчи, депутат, зиёлилар билан суҳбатлашганда, тўғриси, шу вақтгача мавжуд бўлган айрим қолип ва мезонлар мавзулар теграсида соядай эргашиб юраверади. Ўйлайсиз, бугун давр ўзгарди, ҳаётий талаблар ҳам бошқача. Бугунги глобаллашув ва тезкор жараёнлар ҳаммамиздан ҳар жабҳада фаолликни талаб қилаётир. Хўш, қонунлар яратилаётган улкан маҳкамда ишлаётган халқ вакиллари ҳам йил-ўн икки ой бу ҳашаматли бинодан ташқарига чиқмасдан нуқул мажлисларда ўтирадиган ва фақат сайловлар маҳалидагина жамоатчиликка кўриниш берадиган замонлар энди ўтиб кетди. Ҳозир деярли ҳар ойда парламент депутатлари халқ орасига кириб, юзма-юз мулоқотлар қиляпти, айрим муаммоларга ўша сайлов округи ҳудудиде ечим топмоқда.

Бугунги суҳбатдошимиз – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси, 2-даражали "Саломатлик" ордени соҳиби Севара Убайдуллаева.

– Севара Абдуллаева, биламиз, сиз кўп йиллар бевосита тиббиёт ва ижтимоий соҳада фаолият юритдингиз. Бугун Президентимиз томонидан "Халқчил парламент" ғояси илгари сурилмоқда, депутатлар фақат қонун ижодкори эмас, балки халқнинг дарди билан яшайдиган, ислохотларнинг жойлардаги ижросини назорат қилувчи куч бўлиши кераклиги таъкидланмоқда. Сизнингча, бугунги кун депутатлиги аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилиши лозим?

– "Халқчил парламент" ғояси – шунчаки широк эмас, балки парламент фаолиятининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирувчи, давлат ва жамият ўртасидаги масофани яқинлаштирувчи стратегик ёндашувдир. Депутат жамият ҳаётининг энг ички қатламларига кириб бориши, аҳолининг қувончу ташвишини бевосита ҳис қилиши ва ҳар бир муаммога кабинетда эмас, балки халқ орасида юриб ечим топиши лозим. Шахсан мен халқ вакили учун асосий мезон – шахсий масъулият ва дахлдорлик туйғуси деб ҳисоблайман. У нафақат қонун ижодкори, балки ижтимоий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, чуқур таҳлилчи ва ташаббускор бўлиши шарт. У сайловчи ишончини оқлаш учун қабул қилинаётган ҳар бир қонун ижроси ва унинг инсонлар ҳаётидаги натижаси учун шахсан жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак.

Энди бевосита Олий Мажлисга депутатликка сайланганимга қадар тиббиёт соҳасида, хусусан, педиатрияда ишлаган йилларим давомида турли тоифадаги инсонлар, турфа тақдирлар билан юзма-юз келганларим эсимга тушади. Шифокор сифатида мен одамларнинг нафақат жисмоний огриқларини, балки уларнинг ижтимоий муаммоларини, дарду ҳасратларини ҳам тинглашга ва тушунишга ҳаракат қилганман. Шунинг учун ҳам ушбу энг юксак вазифамни мен мутлақо янги бир соҳа эмас, балки инсон манфаати йўлидаги хизматимнинг мантикий ва янада кенгроқ миқёсдаги давоми сифатида қабул қиламан. Албатта, бу йўл доимий изланиш ва малакамни ошириши талаб этади.

– Мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч – О'зЛиДеР фракцияси аъзосисиз. Партиянинг Сайловдди дастурида ҳам ижтимоий соҳа ва тиббиётни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Айни пайтда фракция доирасида қайси қонун лойиҳалари устида ишлаяпсиз? Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати вакили сифатида хусусий тиббиётни ривожлантириш ва соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида қандай янги тақлифларингиз бор?

– Фракциямиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнида мавжуд тўсиқ ва муаммоларни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, замонавий ёндашувларни жорий этиш ҳамда тизим самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қонун ташаббуслари устида изчил иш олиб борилмоқда.

Қонун ижодкорлиги жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён, чуқур таҳлил, пухта ёндашув ва тизимли ишларни талаб этади. Бу жараёнда қонунлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларининг ўзаро муносиблигини таъминлаш, аҳоли манфаатларининг устуворлигини қафолатлаш муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий химоя соҳаларидаги айрим қонунчилик ҳужжатлари муस्ताқилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган бўлиб, бугунги ислохотлар талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги натижасида айрим тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Шу нуқтаи назардан, тиббиёт ва ижтимоий соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни за-

мон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг энг аввало халқ манфаатларига хизмат қилишига эришиш фракциямиз аъзолари фаолиятида устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинган. Асосий мақсадимиз – тиббиётни халққа яқинлаштириш, профилактика тизимини кучайтириш ва ҳар бир фуқаронинг, ҳатто энг чекка ҳудудлардаги аҳолининг ҳам юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини қафолатлашдир.

Ҳозирги кунда фаолиятимизни учта стратегик йўналишга бўлганмиз.

Биринчиси – тиббий хизматлар сифатини институционал мустақамлаш. Бунда миллий клиник протоколлар ва миллий клиник стандартларни қонуний кучга эга қилиш ва тиббий ёрдамни баҳолашнинг шаффоф тизимини яратиш назарда тутилади.

Иккинчиси – хусусий тиббиётни ривожлантириш орқали соҳада соғлом рақобатни шакллантириш. Биз соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ортикча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва лицензиялаш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали аҳоли учун танлов имкониятини кенгайтириши мақсад қилганмиз.

Учинчиси ва энг муҳими – тиббий суғурта ва олилаштириш механизмларини такомиллаштириш. Бу аҳоли учун тиббий хизматларнинг иқтисодий жиҳатдан мақбуллигини таъминлайди ва ижтимоий ҳимояни кучайтиради.

Албатта, тиббиёт ривожига хусусий секторнинг аҳамияти катта, шу боис хусусий тиббиётни мен стратегик муҳим масала деб биламан. Давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш орқали биз замонавий тиббий инфратузилмани шакллантиришга ва бу жараёнда асосий наф кўрувчи – оддий аҳоли бўлишига эришамиз.

– Тиббиёт фанлари доктори ва кўп йиллик тажрибага эга шифокор сифатида бугунги тиббиёт қонунчилигимизда қайси бўшлиқларни тўлдирish зарур деб ҳисоблайсиз?

– Илмий ва амалий тажрибамдан келиб чиқиб айта оламани, қонунчилигимизда ҳали ҳам тизимли ечим кутаётган масалалар талайгина. Энг аввало, тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ягона мустақам механизмларини яратишимиз шарт. Бугунги кунда шифокор ва бемор ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва масъулият чегаралари тўлиқ ва аниқ мустақамланмаган. Яна бир бўшлиқ – тиббий суғурта тизимининг қонунчилик асослари билан боғлиқ. Бизга тиббий суғуртанинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган, аҳоли учун тушунарли, шаффоф ва энг муҳими, ишлайдиган тизим керак.

Шунингдек, миллий клиник протоколлар ва клиник стандартларнинг амалиётда жорий этилиши ва ижросини таъминлаш, тиббий хатолар учун жавобгарлик масалаларини қайта кўриб чиқиш зарур. Қонунчилик аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қиладиган тизимга айлантира олаккина, давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги стратегик вазифаларини тўлиқ амалга ошира оламиз.

– Соғлиқни сақлаш вазирлигида тиббий суғурта ва клиник стандартларни жорий этиш билан бевосита шуғулландингиз. Бу жараён, яъни эски тизимни янгисига алмаштириш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Фаолиятингиз давомида бирор мураккаб вазиятда топган ечимингиз ёки "Мана, тизим ишлаш бошлади-ку!" деб қувонган илк муваффақиятли қадамингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Тўғри айтдингиз: эски тизимни янгисига алмаштириш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Аслида, янги тизимга тўғридан-тўғри ўтиш ҳар доим ҳам мақбул эмас, айниқса, инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳолатларда. Шунинг учун аста-секинлик билан, ҳам хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда, ҳам мавжуд имкониятларни тўлиқ англаб, аввал синов лойиҳаси сифатида қўлаб кўриш мақсадга мувофиқ. Босқичма-босқич равишда халқаро стандартларни миллий контекнтенгизга мослаштириш орқали нафақат аҳоли саломатлигига хавф келтириш-

нинг олди олинади, балки тизимда юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва тўсиқларни ҳам бартараф этиш имконияти яратилади. Шу тарзда секин-аста энг мақбул, эътибор беринг, энг зўр ёки энг мукамал эмас, балки айнан энг мақбул бўлган тизимни шакллантиришга эришиш мумкин.

Ҳа, дастлабки босқичда бу жараён анча қийин кечган. Бугунги кунда эса миллий клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш вазирлик буйруғи билан тасдиқланган методология асосида тизимли йўлга қўйилган ва унинг самарали фаолияти давом этмоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолат. Мазкур тажриба менга бир ҳақиқатни ўргатди: ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти унинг халқ томонидан қандай қабул қилинишига боғлиқ. Ўзгаришлар моҳиятини одамларга тўғри тушутириш ва уларнинг ишончини қозониш анча мураккаб жараён. Бугун парламентда туриб, ўша тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, тиббий суғуртани тўлиқ жорий этишдаги қонунчилик тўсиқларини олиб ташлашга ҳаракат қиляман.

Тиббий суғурта турлари, суғурта бадаллари ва хизматлар нархларини шакллантириш, тиббий хатоларни аниқлаш тартиблари, рағбатлантириш ва жавобгарлик масалалари ҳамда аҳолининг тиббий хизматлардан розилигини таъминлашнинг кўзда тутилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидандир. Соғлиқни сақлаш вазирлигида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бошқармасидаги фаолиятим давомида орттирган тажрибаларим бугун катта таянч бўлмоқда, ҳар бир қабул қилинаётган қонун лойиҳасида аёллар ва болалар манфаатини биринчи ўринга қўяман, ҳужжатлар ортида инсонлар тақдирини, болалар келажагини ва оилалар бахти турганини унутмайман. Принципим битта: қонунлар ва ислохотлар инсонлар ҳаётида реал ва ижобий акс садо бериши шарт.

– Сайлов округингиздаги асосий огриқлик нуқталар, охириги пайтларда сайловчилар билан учрашувларда энг кўп кўтарилаётган масалалар қайсилар? Сизнинг бевосита аралашуvingиз ва вазирлик ёки идораларга юборган сўровингиз натижасида ижобий ҳал бўлган энг мураккаб мурожаат ҳақида гапириб берсангиз.

– Биласиз, ҳар ойнинг охирида округларимизга чиқяпмиз. Менга келиб тушган мурожаатлар асосида тегишли ташкилотлар билан боғланаман ёки олдиндан режалаштирилган ижтимоий объектларга бораман. Бунда жойлар танлангани ва режа асосида белгиланади, аммо учрашувимиз вақти олдиндан маълум қилинмайди. Бугун аҳолини энг кўп қийнаётган муаммолар, аввало, ижтимоий инфратузилма билан боғлиқ. Хусусан, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳолати, коммунал хизматлар сифатини ошириш масалалари доимий равишда кўтарилмоқда. Бу эса мазкур муассасаларни модернизация қилиш, моддий-техник базасини мустақамлаш ҳамда хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини билдиради.

Оддий мисол, Тошкент шаҳридаги 38-оилавий поликлиника ва 112-мактаб фаолиятига оид мурожаатлар бир неча бор келиб тушди. Аслида, Президентимизнинг 2023-2024 йиллардаги тегишли қарорларига мувофиқ мазкур муассасаларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, бугунги кунга қадар мазкур ишлар бажарилмаган. Ҳар икки муассасага бориб ўрганим, мурожаатчилар билан учрашим, тегишли вазирлик ва идораларга сўровлар юбордим. Натижада 2026 йил якуни ва 2027 йилларда амалга оширилиши бўйича жавоб хатлари олинди, ушбу масалаларни ижтимоий объектларнинг инвестиция дастурига киритишга эришилди. Албатта, жавоб хати келгани билан иш битди, дегани эмас, мазкур жараён охирига етгунга қадар депутат назоратини олиб бориб, мурожаатларни бефарқ қолдирмаймиз.

Охириги бир йил давомида сайловчилар билан учрашувларда, айниқса, қуйидаги масалалар алоҳида долзарблик касб этмоқда:

мажбурий тиббий суғурта тизимини такомиллаштириш. Бу борада тизимни янада шаффоф, тушунарли ва аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган ме-

ханизмга айлантиришда давлат сектори билан бирга нодавлат тиббиёт муассасаларининг фаол жалб қилиниши муҳим аҳамиятни касб этади;

гематология соҳасидаги муаммолар, қон касалликлари билан оғриётган беморларга стационар даводан кейинги даврда доимий давони давом эттириш учун амбулатор ва уй шароитида дори воситаларини ўз вақтида етказиб бериш, замонавий диагностика ва самарали даволаш, реабилитация ва паллиатив давони таъминлаш масалалари долзарблигига қолмоқда. Бу соҳада ихтисослашган марказлар имкониятларини кенгайтириш ва малакали кадрлар салоҳиятини ошириш талаб этилади;

оғир ирсий касалликлар, хусусан, Дюшен мушак дистрофияси билан боғлиқ муаммолар. Бу касалликка чалинган болаларни эрта ташхис қилиш, қиммат даволаш жараёнларини молиялаштириш ва узоқ муддатли реабилитацияни таъминлаш масалалари ота-оналарни жиддий ташвишга солмоқда. Ушбу йўналишда давлат томонидан манзилли қўлаб-қувватлаш чораларини янада кучайтириш зарур.

Депутатлик фақат муаммоларни кўтариш билан чекланмаслиги, балки аниқ натижалар билан намойн бўлиши лозим. Бу йил илк маротаба "Ташаббусли бюджет" доирасида аҳоли овозини етарлиқ тўплай олмаган, аммо ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни депутатлар томонидан қўлаб-қувватлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Мен ҳам сайлов округимда жойлашган Тошкент шаҳри 2-клиник болалар жароҳлик шифохонасини ушбу мезонлар асосида танлаб олдим ва қуйидагиларни ташкил этишга эришдим:

жароҳлик амалиётида бемор ҳаётини ушлаб туриш учун керак бўлган кислород узлуқсиз етказиб бериш мақсадида замонавий кислород подстанцияси янгитдан қурилади;

жароҳлик амалиётдан сўнг беморларни бўлимга олиб чиқиш лифт орқали амалга оширилади, яъни беморларни зиналардан олиб юрмасдан лифт орқали қаватларга олиб чиқиш имконияти яратилди;

иссиқ ва совуқ сув ҳамда иссиқлик таъминоти такомиллаштирилади.

Бу юзлаб болалар ҳаёти ва соғлиғини асрашга, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган муҳим натижалардир.

– Сўнгги соволим, ишдан бўш вақтларингизда энергия ва кучни қаердан оласиз? Маънавий ҳордиқ чиқариш учун сеvimли машғулотингиз борми?

– Мен учун бўш вақт – ўз устимда ишлаш, билим ва тажрибани бойитиш, яқинларим билан фикр алмашиш имкониятидир. Аввало, оилам билан мулоқотга алоҳида аҳамият бераман. Ота-онам билан суҳбатлашим, фарзандларим ва невараларимнинг режалари ҳамда қизиқишлари мен учун катта маънавий куч ва илҳом манбаидир. Китоб ўқиши жуда яхши кўраман, кўзим чарчаси аудио вариантларини эшитаман. Му-тахассислигим бўлган тиббиёт соҳасига оид илмий адабиётлар, энг сўнгги стандартлар ва клиник протоколлар билан мунтазам танишиб бораман. Бу нафақат касбий билимимни мустақамлаш, балки амалиётдаги қарорларимни илмий асослаш имконини ҳам беради. Парламент фаолияти ва назоратига оид илмий ҳамда амалий адабиётларни ўқийман. Хорижий давлатлар тажрибасини мунтазам кузатиб бориб, илғор ёндашувларни миллий амалиётга қатиқ этиш имкониятларини ўрганаман.

Профессионал спортга қизиқсам-да, ишдан чарчаб келганда ёки тонгда уйғониб кайфиятни кўтариш мақсадида уй шароитидаги тренажёрлар ёрдамида энгил машқлар билан мунтазам шуғулланаман. Албатта, кунига 10-12 км масофа юриш нафақат кайфиятни яхшилайдиган, балки фикрлаш қobiliятини янада кучайтиради, янги ғоялар ва ташаббуслар пайдо бўлишига хизмат қилади. Жисмоний фаоллик инсоннинг саломатлиги, балки иш самарадорлиги ва руҳий барқарорлиги учун муҳим омилдир.

"XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди

МАЙДОН КЕНГ, ИМКОНИЯТ КАТТА, ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ДЕДИ O'zLiDeP ЛИДЕРИ АКТАМ ХАЙТОВ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЁР ҚАБУЛДА

Бошланиши 1-саҳифада.



Актам ХАЙТОВ, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, парламент кўйи палатасидаги партия фракцияси раҳбари:

– “Халқ билан бирга” умуммиллий дастурининг номиданоқ кўриниб турибдики, биз марафони катта олганмиз, галдаги вазифалар ҳам ниҳоятда долзарб. Сайловли дастуриимиз шiori ҳам бежиз “Ваъда эмас, натижа” дея номланмагани энди ўз амалий ишотини топмоқда. Демак, шу партияга ҳаёти, тақдири боғланган ҳар бир юрдошимиз бу борада фидойилик кўрсатмоғи зарур.

Гувоҳи бўлганимиздек, аҳоли муносабатларининг асосий қисми ичимлик суви таъминоти, йўлларни таъмирлаш, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам, шунингдек, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар билан боғлиқ экани маълум бўлди. Айрим фуқаролар тадбиркорликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит, тикув машиналари ва бошқа иш қуроллари билан таъминлашни сўраган бўлса, яна бир қисми тиббий ёрдам, дори-дармон ва ногиронлик аравачалари каби зарур воситаларга эҳтиёжи борлигини билдирди.

Сайёр қабулда партия электоратининг ўзаги ҳисобланган тадбиркорларнинг қатнашгани анча самарали бўлди. Ҳозирги кунгача ҳудудларимизда ўтказилган илк сайёр қабулларда 4 мингга яқин фуқаролар турли масалалар билан иштирок этди, 1 200 га яқин муаммолар аниқланиб, улардан 940 тасига жойида ечим топилди. Қолган муносабатлар партия ва депутатлик гуруҳлари назорати-га олиниб, уларни ҳал қилиш чоралари белгилаб олинди.

Айниқса, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотган 250 га яқин фуқаро ишбилармонлар томонидан оғлиққа олиниши хайрли иш бўлди. Шунингдек, ана шу илғор қатлам вакиллари ташаббускорлиги остида моддий ёрдамга муҳтож 750 та оиллага тадбиркорлик ва бошқа ишлар билан шуғулланишлари учун турли асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ҳамда дори-дармон маҳсулотлари тарқатилди. Шу билан бирга, ҳуқуқий муаммоларга дуч келган фуқароларга юридик ёрдамлар кўрсатилди.

Партия ишчи гуруҳлари томонидан республика бўйлаб ташкил қилинган мобил штаблар таркибидеги волонтерлар, сийёсий куч фаоллари ва депутатлар “Юракка йўл” акцияси доирасида хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан бевоқифа мулоқот қилмоқда, уларнинг талаб ва тақлифларини ўрганишяпти. Учрашувларда Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти тарғиб этиляпти.

Мобил штаблар таркибига O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аппарати ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи вакиллари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда партия фаоллари киритилди. Энг муҳими, учрашув ва сайёр қабулларда фуқаролар мамлакатдаги етакчи кучнинг инсонлар тақдири қолаверса, эртасига бефарқ эмаслиги, уларнинг дардини эшитиб, амалий ёрдам кўрсатаётганидан мамнулигини билдиришди. Бу эса партия ва депутатларнинг халқ ишончини оқлаш йўлида изчил фаолият юритаётганини кўрсатади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Оққўрғон туманида ўтган сайёр қабулда O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Актам Хайтов бошчилигидаги гуруҳ сафида депутатлар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қабул олдидан O'zLiDeP ишчи гуруҳи туман маҳаллаларида хонадонма-хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ўрганган, 400 га яқин хонадон аҳлидан 241 га яқин муносабат қабул қилинган эди. Хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муносабатлар айнан сайёр қабул давомида мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ўрганилди ҳамда тегишли тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.



Виктор ПАК, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Сайёр қабулни кузатсангиз, ишонасизми, бирор масала ё тақлиф билан келаётган одамларнинг юз-кўзларида ишонч бор. Чунки айримлари шу вақтгача қанча идоралар эшикларига нажот истаб боргани аниқ. Агар бу гал ҳам ўзини қийнаётган муаммосига аниқ ечим топилмаса, қўл силтаб кетади. Шунинг учун ҳам ҳар бир муносабатчининг дардини шойилмасдан эшитдик, қўлидаги ҳужжат-далиллари мутахассислар таҳлил қилишди. Аксарияти Оққўрғоннинг ўзида ҳал бўлди. Сабаби, қабулда туман ҳокимлиги раҳбарияти ҳам фаол қатнашиб, бизга яқиндан кўмак берди.

ИЗОХ: Партия фаоллари ҳамда парламент депутатлари орасида ўзининг камтаринлиги, саховатпешалиги билан довуқ қозонган Виктор Николаевичнинг ўша кунги сайёр қабул доирасида бошқаларга ибрат бўлгулик савобли ишлари ҳақида эшитиб, шу ҳақда ҳам маълумот беришини сўрасак, кулимсираб қўйди-да, “Йўғ-е, қўйинг, ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган улғ

ҳикмат бор, мақтансам, уят бўлади”, деб қўйди. Охири Виктор аканинг ёрдамчиси Даврон Камолитдиновдан бу ҳақда сўраб билиб олдик.

Виктор Пакнинг ташаббуси билан Оққўрғон тумани “Халқобод” МФЙ худудида 1960 йилда қурилган ва 1985 йили фойдаланиш учун ажратилган 24-мактаб биноси енида 240 ўрилли икки қаватли замонавий типдаги янги мактаб қурилиши давом этмоқда. Эътиборлиси, ушбу илм маскани оддий қурилиш объекти эмас, балки халқро ҳамкорлик ва халқ вакилининг инсонпарварлик намунаси сифатида Корейнинг нуфузли “Good Neighbors” халқро фонди грант маблағлари ҳисобига барпо қилиняпти.

Яна бир қувончли янгилик шуки, Виктор Пак шу кун “Халқ билан бирга” дастурининг амалий ижроси сифатида тўрт нафар масъулияти чекланган юрдошимизга аравачалар ҳамда Оққўрғон туманида 21-сонли мактабгача таълим ташкилоти кичкинтойлари учун эса 5 та замонавий аттракцион ҳада қилди!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Элликқалъа туманида ташкил этилган навбатдаги сайёр қабул юзлаб инсонларнинг муаммоларига амалий ечим топган хайрли тадбирлардан бирига айланди.

Партия депутатлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбир давомида фуқаролардан 100 га яқин муносабат қабул тушди ва энг муҳими, уларнинг 50 дан ортиғи жойида ижобий ҳал этилди.



Жумабой ЖАББОРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати:

– “Халқ билан бирга” лойиҳаси муаммони кабинетда эмас, маҳаллада, хонадонма-хонадон юриб ўрганиш ва ҳал этиш учун ўзига хос йўл харитаси вазифасини бажармоқда, десам, муносабат бўлмайди. Айниқса, жавобгар масъулларнинг бир жойда жамланishi масалаларни тезкор ҳал қилиш имконини бермоқда. Бу эса аҳоли ва сийёсий куч ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлайди. Бир сўз билан айтганда, “Халқ дарди – менинг дардим” тамойили бугун амалда ўз ифодасини топмоқда.

Дарҳақиқат, партия томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. 5 нафар кекса авлод вакилига санаторийлар йўлланмаси, 3 нафар фуқарога эса ногиронлик аравачалари топширилди. IT йўналишида ўқитган талаба қизга ноутбук тақдим этилди, 5 нафар кам таъминланган талабанинг контракт тўловлари қўллаб берилди, 10 нафар фуқарога ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган устачилик асбоб-ускуналари берилди, 10 нафар хотин-қиз тадбиркорлик субъектларига доимий ишга жойлаштирилди.

БУХОРО



Когон шаҳрида ўтказилган сайёр қабулда O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси, вилоят ва шаҳар кенгаши масъуллари, депутатлар, ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди. O'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сийёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Фармон Аминов “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ва ундаги ундан ортиқ лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўзлади.

Сўнг аҳолининг муаммо ва тақлифлари тингланди. Хусусан, марказий кўчаларда транспорт воситалари қатновини тартибга солиш, уй-жой ва коммунал хизматлар, газ ва сув қувурларини тортиш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш, кам таъминланган оила фарзандлари учун мuddатли ҳарбий хизмат тўловларида имтиёзлар белгилаш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мазмунидеги 20 га яқин муносабат қўриб чиқилди. Аксарияти шу жойнинг ўзида ҳал қилинган бўлса, мuddат талаб этиладиган масалалар бўйича амалдаги қонунчиликка асосан тегишли тушунтиришлар берилди.

Масалан, Когон шаҳри марказидаги Алишер Навоий маҳалласининг Маънавият ва Порлоқ келажак кўчаларида ҳанузгача радар ускунаси ёки кузатув



камералари ўрнатилмаган. Ёки Бобур маҳалласида истиқомат қилувчи Ахтам ота Саъдуллаевнинг эътирозига кўра, газ ва сув қувурларини қазиб олиш ва янгиларини ётқизиш ишларининг тўғри бажарилмаётгани ҳайдовчилар ва пидедалар учун қийинчиликлар туғдиримоқда. Фуқаро А. Саъдуллаев эса сихат-гоҳларга йўлланма ажратиш тартиби устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлигини куюнчаклик билан маълум қилди. Алишер Навоий маҳалласида яшовчи Б. Мирзаев мuddатли ҳарбий хизмат тўловида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун имтиёзлар жорий қилишни сўради.

– Бугунги сайёр қабул мамлакатимизда инсон қадрини улуғланаётганлиги-

нинг амалий ифодасидир, – деди Мирзо Улуғбек маҳалласида яшовчи Саодат ая Ҳайитова. – Маҳалладошларим ўзларини ўйлантирган масалаларни очиқ-ойдин айтиб ўтганидан ҳам буни билиб олиш қийин эмас. Депутатларимиз билан ўтказиладиган ана шундай самимий учрашув ва мулоқотларни бундан кейин ҳам кутиб қоламиз.

– Билим даргоҳимизда икки минг ўқувчи таълим-тарбия олади, – дейди Когон шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси Лола Йўлдошева. – Ёш авлоднинг муносиб тарбиялаш ва ўқитиш, фан асосларини чуқур ўргатиш учун бизда барча шароитлар бор. Инклюзив таълим имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Партия масъуллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳокимлик рўзгорлари мутасаддилари иштирокида ўтказиладиган бундай сайёр қабуллар тегишли соҳа ва йўналишларда этилган муаммоларни бартараф этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур дастур доирасида Бухоро давлат университетининг “Универсал” спорт мажмуасидаги сайёр қабулни O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Обиджон Ҳамидов бошқарди.

Аҳоли, талаба-ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси, тадбиркорликни бошлаш, бандлик, ёшларнинг стартап лойиҳалари ва креатив гоғларини қўллаб-қувватлаш каби бир қатор масалалар юзасидан муносабатлари тингланиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Асхор ИСТАМОВ, “XXI asr” муҳбири

ҚАШҚАДАРЁ



Ғузор туманида 300 га яқин фуқаро қатнашган сайёр қабулда, 216 та муносабат рўйхатга олинди ва аксариятига манзилли равишда ижобий ечим топилга ҳаракат қилинди. Айримлари назоратга олиниб, маҳаллий ҳокимлик ва масъуллар эътиборига ҳавола этилди.

Шу ўринда оддий мисоллар ва рақамларга муносабат қилайлик: масалан, уйи ёниб кетган бир хонадон эгаси ҳамда яна бир нечта муҳтож оиллага иморат томини тўлиқ ёпиш учун зарур миқдорда шифер ажратилди. Иккита хонадонга эса муқобил энергия манбаи бўлган қўёш панеллари ўрнатиш бошланди. Тадбиркор депутатлар ҳиммати билан 2 нафар ногирон фарзанди бор оиллага замонавий компьютер жамланмаси туҳфа қилинди. 10 та ноҷор оиллага рўзгорига баракка киритиш учун қўй-қўзилар берилган бўлса, икки фуқарога жами 100 млн сўм, яна ўн нафар эҳтиёжманд оиллага 10 млн сўмдан (жами 100 млн сўм) манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. Ўн киши доимий ишга жойлаштирилиб, яна ўн нафар юрдошимизга саломатлигини тиклаш учун тиббий йўлланмалар тақдим этилди.



Абдор АННАЕВ, O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

– Биз ушбу дастурга старт берилиши биланоқ ишчи гуруҳларимиз хонадонма-хонадон юриб, мавжуд муаммоларни ўрганиб, рўйхатга олган эди. Қабул жараёнида эса ана шу масалаларга аниқ амалий ечимлар берилди. Албатта, бу катта ишнинг бошланиши, насиб этса, вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳари, қишлоқ ҳамда маҳалларида худди шундай юзма-юз мулоқотлар, қабуллар ташкил этиб, имкон қадар ҳар бир муаммога жўяли ечим топамиз. Ана шундагина одамларнинг партияимизга бўлган ишончи янада ошаверади.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” муҳбири

АНДИЖОН



Балиқчи туманида ташкил этилган навбатдаги сайёр қабул ва хайрия тадбирда партиядан сайланган депутатлар, тадбиркорлар, мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашди.

Режалаштирилганидек, асосий эътибор фуқаролар муносабатларини бевоқифа масъуллар иштирокида қўриб чиқишга қаратилди. Кўпгина масалалар бўйича жойида аниқ амалий ечимлар ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди. Маҳаллий кенгаш депутатларининг фаоллиги муносабатлари тезкор ва самарали ҳал этишда муҳим омили бўлди.

Сайёр қабул доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида урғу берилди: – ногиронлиги бўлган шахсларга эшитиш мосламалари, ногиронлар аравачалари ва бошқа зарур техник воситалар топширилди; – эҳтиёжманд оилаларга кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат хайрия тўпламлари етказилди.

Тадбир давомида ўтказилган “Юракка йўл” акцияси аҳоли ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаши таъкидлаб ўтилди. Айниқса, ёшлар ва аёллар масалаларига бағишланган очиқ мулоқотлар фуқаролар эътиборини тортиди.

Балиқчи туманида яшовчи Фотимахон Исмановнинг дил сўзлари бунинг ёрқин ифодаси бўлди:

“Ҳасталигим туфайли юриш мен учун анча қийин эди. Бугунги сайёр қабулда менга ногиронлик аравачаси топширилди. Бу нафақат ҳаракатланишим учун ёлғизлик, балки менга кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасидир. Бундай хайрли ишлар юртимизда олиб борилаётган оқилна сиёсатнинг амалий ифодаси, деб биламан”.

Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки, “Халқ билан бирга” тамойили асосида ташкил этилаётган бундай тадбирлар шунчаки ҳисобот учун эмас, балки инсонларнинг ҳаётини яхшилаш, уларнинг давлат ва жамият институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. O'zLiDePнинг бундай эзгу ташаббуслари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Саҳифани “XXI asr” муҳбирлари Норқобил ЖАЛИЛОВ, Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.


 ВАКИЛИМИЗ

Одамларни ишонч бирлаштиряпти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил якунида Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси, шунингдек, мурожаатлар билан ишлаш тизимига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар раҳбарлар фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Энди “кабинет ва куруқ ҳисоботлар дунёси”дан чиқиб, реал ҳаёт ичига кириш, одамлар дардини жойида эшитиш ва ечим топиш устувор вазифага айланди.

2025 йил 29 августда қабул қилинган “Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида вакиллар ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштирди. Унга кўра, овоз беришда ютқазган айрим ташаббусларни вакил ташаббуси асосида қўлиб деб топиш имконияти яратилди. Бу эса масъулларнинг жавобгарлигини сезиларли даражада кучайтирди. Энди ҳар бир мурожаат ортида турган инсон тақдирига берақ қараш мумкин эмас.

Амалиёт бу ёндашув ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда. Хусусан, 25-Наманган сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Зафар Худойбердиев фаолияти бунга ёрқин мисолдир.

Шу округга кирувчи Мингбулоқнинг чекка ҳудудларидан саналган “Бешсерка” маҳалла фуқаролар йиғини узоқ вақт “оғир” тоифада юритиб келинганидан хабаримиз бор. Ҳудуддаги асосий йўл – Булоқбоши кўчасининг 2,6 километри мутлақо яроқсиз аҳволга келиб қолган эди. 2025 йил октябрь ойида депутатимиз билан мактабда ўтказилган учрашувда одамлар худди мана шу мураккаб масалани кўтариб чиқишди.

Ташаббус қўллаб-қувватланган, ҳудудда бир қатор муаммоларга барҳам бериш имкони пайдо бўлди. Чунки ушбу йўл “Янги Гулбоғ” ва “Бешсерка”ни ўзаро боғлайдиган муҳим қатнов йўналиши ҳисобланади. Таъмир ишлари туфайли марказга қатнов вақти қисқаради, Поп ҳамда Қўқон



томонларга бориш анча енгиллашади. Қабристон зиёрати ҳам қулайлашади.

Энг муҳими, бу ўзгариш иқтисодий фаолликни кучайтиради. Йўл бўйида хизмат курсатиш нуқталари, кичик савдо шохобчалари пайдо бўлади. Асосий етиштирилдиган маҳсулот – мошини сақлаш, саралаш ва сотишда янги имкониятлар очилади. Тадбиркорлар томонидан қайта ишлаш цехларини ташкил этишга қизиқиш ортади. Бу эса маҳсулотни бевосита етиштирилган жойидан экспортга чиқариш имконини кенгайтиради.

Шу билан бирга, тез табиий ёрдам ҳамда фавқулодда хизматлар ҳаракати учун ҳам шароит яхшиланади. Беморларни шифохонага ўз вақтида етказиш имконияти ортиб боради.

Қисқача айтганда, Булоқбоши кўчасининг таъмирлаши ушбу худудни “қизил” тоифадан чиқариш, унинг қиёфасини янгилаш ва аҳолининг ислохотларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Бу йўл ҳақиқий тараққиёт сари етакловчи омилга айланмоқда.

– Очигини айтиш керак, авваллари сайловчилар томонидан кўтарилган баъзи масалаларга ечим топишда имкониятлар чекланган эди, – дейди парламент депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев. – Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир вакилга катта молиявий ресурс ажратилгани иш самарадорлигини оширди. Шунингдек, “Яшил худуд” ва “Яшил боғ” дастурлари доирасида берилаётган қўшимча маблағлар ҳам жойларда ижобий ўзгаришларга хизмат қилмоқда. Бу каби ёндашувлар орқали яқин йилларда барча худудлар замонавий қиёфага эга бўлади.

Фуқаролар йиғини раиси Иқболжон Эсонов ҳам биз тилга олган хайрли ишлардан мамнулигини шундай изҳор қилди:

– Бу ерда 540 та хонадон, қарийб 2000 нафар аҳоли яшайди. Ўзимиз ишонч билдириб сайлаган вакилимиз илк учрашувдан оқиб ҳар қандай камарбаста эканини исботлаган эди. Бугун амалий ёрдамни кўряптимиз. Асфальтлаш учун 1 миллиард 357 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Йиллар давомида аҳолини қийнаб келган муаммолардан бири ниҳоят ечим топаётганидан барчамиз мамнунмиз!

Эътиборли жиҳати, худуддаги маҳаллий кенгаш вакиллари ҳам ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришмоқда. Улар жойларга чиқиб, одамлар билан бевосита мулоқот қилади, муаммоларни биргаликда ҳал этишга интилоқда. Бу эса натижадорликни янада оширмоқда.

Таъкидлаш керакки, “Ташаббусли бюджет”нинг илк мавсумиёқ самарали кечди. Мингбулоқ бўйича 12 та ташаббус учун қарийб 15 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Улуғбек Мусаев, Солижон Хўжамов, Юлдузхон Хананияева, Нурали Исоқов каби вакиллар томонидан илгари сурилган таълим, тиббиёт, спорт ва инфратузилмага оид лойиҳалар аҳоли қўллаб-қувватлови билан амалга оширилмоқда.

Мухтасар айтганда, мазкур механизм нафақат молиявий манба, балки одамларни бирлаштирувчи кучга айланган. Аниқ мақсад, қатъий ирода ва амалий ҳаракат бор жойда натижа ҳам бўлади. Бугун ана шундай ўзгаришлар юртимизнинг турли бурчакларида яққол намоён бўлмоқда.

Қосимжон АКБАРОВ,
“Мингбулоқ” газетаси муҳаррири,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси


 ХУНАРМАНДЧИЛИК

КАСБИЛИК КУЛОЛЛАР ДОВРУҒИ

катта меҳнат ва машаққат ортидан ёйилмоқда

Эшитган чиқарсиз, Касби деган қишлоқ бор Қашқадарёда. Баъзан хориждан келган сайёҳлар ҳам бу гўшада тайёрланаётган ажойиб хунармандчилик маҳсулотларини сўраб қолнидан хабардоримиз. Демак, бежиз эмас.

Хуллас, Касби туманидаги бу мўъжаз қишлоқда ўн беш чоғли оилада юзга яқин хунарманд бевосита кулолчилик билан машғул экан. Уларнинг машаққатли меҳнати ортидан катта ва кичик хумлар, товоқ, лаган, пиёла, кўза, офтоба, гулдон, тандин каби ўттизга яқин турдаги сопол маҳсулотлар яратилиб, маҳаллий бозорларга етказиб берилмоқда. Яна бир қулай томони, харидорлар ўзлари истаган шакл ва ҳажмдаги буюртмаларни ҳам бериш имконига эга.

– Махсус тупроқни оловда пухта қиздирганда у тошдек мустаҳкам ҳолатга келади. Ота-боболаримиз ана шу жараённи жуда қадимдан ўзлаштириб, турли идишлар ясашни йўлга қўйган, – дейди касбилик тажрибали кулол Отабек Уроқов. – Улар қора лойни саховат ва ҳалоллик тимсоли деб билган. Илгариги замонларда сув сақлаш учун идишлар кам бўлгани сабабли лойдан хум ва турли кўзалар ясаб, гулханда пиширишган. Дастлаб бу хунар билан аёллар шуғулланган, кейинчалик эркеклар ҳам уни мукамал ўзлаштирган. Кулол учун энг муҳим жиҳат – маҳсулотнинг сифати, фойдаланишга қулайлиги ва, албатта, унинг чиройли кўринишидир.

Дарҳақиқат, бугун дунё эшиклари очиб, Касби кулоллари ҳузурига хорижлик сай-



ёҳлар ҳам тез-тез келишиб, хунармандчилик намуналари билан яқиндан танишмоқда. Айниқса, қорачиқ, шамдон, кўза, сопол пиёла, лаган ва жомашовларга талаб юқори.

Сир эмас, Касби томонларда ёз жуда иссиқ келади. Оддий идишлардаги сув тез исиб кетади. Бироқ кулоллар ясаган 10, 50, ҳатто 100 литрлик хумларда сув ўз табиий сифатини сақлаб, салқинлигини йўқотмайди. Бу эса хунармандчиликнинг нафақат гўзаллик, балки амалий аҳамиятга ҳам эга эканини кўрсатади.

Бугун кулоллар фақат анъанавий идишлар билан чекланиб қолмаяпти. Улар лойдан турли сувенир совғачалар, миллийликни тарғиб этувчи ўйинчоқлар ҳам тайёрлашни ўзлаштирмоқда. Турли ранг ва шакллардаги бундай маҳсулотлар бозорда ўз харидорини топтомоқда.

Отабек Уроқовнинг айтишича, у кулоллар сулоласининг ўнинчи авлоди саналади. Бу хунарни у бобосидан ўрганган. Айни пайтда унинг кулолчилик мактабида ўнга яқин ёшлар ушбу ноёб санъат сирларини пухта эгалламоқда. Туманда эса унинг эллиқдан ортиқ шогирдлари бор.

Яқинда Касби кулолчилик мактабида туман ёшлари иштирокида “Маҳалланинг креатив ёш тадбиркори” лойиҳаси доирасида

тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда O'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг ёшлар ва хотин-қизлар бўйича ўринбосари, парламент депутати Гулшана Худоевора иштирок этиб, мазкур лойиҳанинг аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтди. Унинг таъкидлашича, лойиҳа маҳаллалардаги ёшларнинг креатив ғоялари ва ишбилармонлик салоҳиятини аниқлаш, уларни замонавий билим ва амалий кўникмалар билан чиқариш, шу орқали тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган.

Тадбир якунида Касби кулолчилик мактабида тўпланган ижобий тажриба воҳа ёшларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, кулолчиликни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ёш хунармандлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни турли курғазма ва ярмаркаларда иштирок этириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Касбилик кулоллар ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган ушбу нозик хунар сирларини ёшларга ўргатишдан фахрланишади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири


 “САЛОМАТЛИК САРИ” ЛОЙИҲАСИ


МАҲАЛЛАГА ШИФОКОР КЕЛДИ...

O'zLiDePning “Халқ билан бирга” дастурига старт берилиши ташкилот фаолиятини мутлақо янги босқичга кўтарди. Эътиборлиси, жойларда амалга оширилаётган лойиҳалар ва тарғибот тадбирлари мазмунан бойиб, одамлар дардига янада яқинлашаётгани яққол сезилмоқда.

нинг амалий ифодаси бўлди.

Аввал бундай тадбирлар, одатда, шифохоналарда ташкил этилар, унга асосан яқин худудлардаги кам таъминланган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар тақлиф қилинган хотин-қизлар жалб этилар эди. Бу сафар эса иш услуби ўзгарди: махсус жиҳозланган автоуловда тажрибали шифокорлар гуруҳи туманининг олис қишлоқларидан бирига бевосита етиб борди.

Тадбир давомида маҳалладаги қарийб 100 нафар фуқаро терапевт, кардиолог ва бошқа мутахассислар кўригидан ўтди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, акция фақат бир нуқтада чекланиб қолмади – масъуллар хонадонма-хонадон юриб, кексалар ва ногиронлиги бўлган юртдошлар ҳолидан хабар олишди. Уларга жойидаёқ кўмак кўрсатилиб, керакли тавсиялар берилди.

– Бу каби эътиборни ҳар доим ҳам кўравермаймиз. Уйимизга келиб, саломатлигини билан қизиқишди, маслаҳат беришди. Бундан барчамиз мамнунмиз, – дейди Кулписар маҳалласи фуқароси Заргул Қўшбоқова.

Қайд этиш жоизки, бу каби хайрли ташаббуслар келгусида вилоятнинг бошқа худудларида ҳам давом эттирилиши режалаштирилган. Бу эса инсон саломатлигини асраш, айниқса, олис қишлоқларда истиқомат қилаётган юртдошларимизга хизматни янада яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.



Партия Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан Шароф Рашидов туманидаги Кулписар маҳалласида ўтказилган “Саломатлик сари” лойиҳаси доирасидаги бепул кўрик ана шу янгича ёндашув-

Маъмура ЭРГАШЕВА,
O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий
партия ташкилоти “Аёллар қаноти”
гуруҳи раҳбари



ИМКОНИАТ МАЙДОНИ

СЎХДА ГЭС ҚАЧОН ИШГА ТУШАДИ?

Фаргона вилоятининг ўзига хос ва ноёб ҳудудларидан бири – Сўх тумани бугун бетакрор табиати, улкан салоҳияти билан барчанинг диққатини тортмоқда. Мусаффо ҳаво, сероб ва соф сув манбалари, салқин иқлим, кўхна тоғлар ва сўлим водий манзаралари бу юртда тараққиёт учун кенг имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатади. Географик жойлашуви ҳам ўзига хос: Қирғизистон Республикасининг Боткен вилояти билан чегарадош бўлган бу анклав ҳудудда бугунги кунда 25 та маҳалла бўлиб, қарийб юз минг аҳоли яшаб келмоқда.



Кейинги йилларда давлатимиз томонидан чекка ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият берилётгани Сўх мисолида ўз исботини топмоқда. Масалан, жорий йилнинг март ойида Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ушбу ҳудудни янада тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини оширишга доир аниқ вазифалар белгилаб берилгани бежиз эмас.

Ана шундай истиқболли ташаббуслардан бири – Сўхда қуввати 15 мегаватт бўлган гидрорезервуар станция барпо этиш билан боғлиқ кенг қўламадаги лойиҳадир. Ушбу иш “Ўзбек-гидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан илгари сурилиб, ҳудуднинг бой сув-энергия имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилган. Мазкур жамият бошқаруви раиси

Ишларни 2026–2028 йиллар давомида босқичма-босқич яқунлаш режалаштирилган. Қурилиш жараёнининг ўзидаёқ аҳоли бандлиги таъминланиб, камида 800 нафар фуқаро иш билан қамраб олинади. Бу орқали юзлаб оилалар даромад манбаига эга бўлади. Станция ишга тушгач, яна 17 та доимий иш ўрни яратилади.

Иншоот тўлиқ қувватда ишлаганда йиллик ўртача 48 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич туман эҳтиёжининг катта қисмини қоплаш имконини беради. Натижада 20 мингдан орტიқ хонадон, ижтимоий муассасалар ва ишлаб чиқариш объекти узлуксиз электр таъминотига эга бўлади.

Яна бир аҳамиятли томони – тежамкорлик



Ислом Абдураҳмонов бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи яқинда туманда бўлиб, барча табиий ва техник имкониятларни синчиклаб ўрганди.

Ташриф давомида рельеф ҳолати, дарё ва сойлар оқими, гидрологик хусусиятлар, инфратузилма имкониятлари батафсил таҳлил қилинди. Шунингдек, топографик ўлчов ишлари бажарилиб, келгусида қурилиш жараёнини пухта ташкил этишга замин яратилди. Мутахассислар томонидан электр станцияси қуриш имкониятлари, шу билан бирга, келгусидаги қўшимча режалар учун зарур шарт-шароитлар ҳам ҳар томонлама баҳоланди.

Энг муҳим жиҳат шуки, ушбу кенг қўламли ишларни молиялаштириш, лойиҳалаштириш ва техника билан таъминлаш ички ресурслар ҳисобига амалга оширилади. Хусусан, “Gidrogroyekt” акциядорлик жамияти томонидан зарур ҳужжатлар ишлаб чиқилгач, гидроагрегатлар ҳамда бошқа ускуналар “UzHydroPower” заводида тайёрланади. Бу эса саноатни ривожлантиришга қўшимча туртки беради.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
“XXI asr” мухбири



Бугун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор марказида турибди. Мутахассислар таъкидлаганидек, Бухоро заминининг қуёш нурини ўзига хос қабул қилиши, шунингдек, тупроқ ва сув таркибининг минералларга бойлиги бу ерда етиштирилаётган маҳсулотларнинг нафақат мўл, балки сервитамин ва хуштаъм бўлишига замин яратмоқда.

Жорий мавсумда вилоятда деҳқон хўжаликчлари, томорқа соҳиблари ва қишлоқ меҳнатқашлари иштирокида 24 минг 154 гектар майдонга турли экинлар экилди. Хусусан, सबзавот, полиз ва картошқачилик йўналишидаги ишлар кенг қулоч ёйди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 6 майда имзоланган “Республикада картошқа етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш учун қисқа фурсатда кенг жамоатчилик ўртасида “иккинчи нон” деб ном олган бу экинни экиш ва парваришlash буйича амалий кўникмалар шаклланди.

Вилоятдаги тегишли тузилмалар ташаббуси билан ишлаб чиқилган дастурлар асосида жойларда мунтазам ўқув-семинарлар ўтказилиб, агротехнологияларнинг замонавий усуллари кенг тарғиб этилмоқда. Бу каби тадбирлар натижасида ердан унумли фойдаланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланяпти. Айни вақтда



БУХОРОДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАР ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

қарийб 5 минг гектар майдонда экиш ишларидан кейинги парвариш босқичи давом этмоқда. Масалан, Олот туманида 341 гектар ерда эрта пишар навлар парваришланяпти. “Жўра Кўмак” хўжалигида кузатилган манзаралар меҳнат ва изланиш уйғунлигининг ёрқин намунаси бўлди. Ерга меҳр қўйган инсон унинг баракасини кўриши табиий.

рада 2024 йил 30 декабрда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ҳам соҳада янги босқични бошлаб берди.

Пешку туманидаги “Лимончилик равнақи” хўжалигида амалга оширилаётган ташаббуслар бунинг яққол исботидир. 5

мева, ҳам қўшимча ҳосил оляпмиз. Шу билан бирга, эртаги помидор навларини бозорга тайёрлаш ишлари яқунланмоқда. Энг аҳамиятлиси, ўн нафарга яқин қишлоқ аёллари доимий иш билан таъминланди.

Ташаббускор деҳқон хорижий тажрибани ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани диққатга сазовор. Ўзи Япония



– Юқори ҳосилга эришишда ер танлаш ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бизнинг ҳудудимиз шароитида бундай имкониятлар етарли. Шу боис бу йил ҳар бир гектардан 500 центнер атрофида ҳосил олишни режалаштирганмиз, – дейди ёш тадбиркор Улуғбек Кўмаков.

Дарҳақиқат, бугун Бухоронинг турли ҳудудларида мазкур йўналишни ривожлантириш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида янги имкониятларни ишга солиш бир вақтнинг ўзида иккита муҳим вазифани ҳал этмоқда: аввало, бозорларни ушбу маҳсулот билан таъминлаш ва аҳоли бандлигини ошириш. Бу бо-

гектар боғ қатор ораларидан унумли фойдаланиб, ошқовоқ экиш орқали даромад манбаи кенгайтирилган.

– Халқимизда, ишнинг ўзини билгунча, кўзини бил, деган гап бор, – дейди Пешку туманидаги “Лимончилик равнақи” хўжалиги раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби Нусрат Сайидов. – Авваллари ерга бир турдаги экин ёки кўчат экар эдик. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлар эди. Энди эса замон ўзгармоқда. Талаб ва тақлиф йилдан-йилга ортиб борапти. Бугун деҳқону фермер чин маънода тадбиркорга айланмоқда. Ўзимиздан қиёс, 5 гектар боғимиздан унумли фойдаланишни ўйлаб қолдик ва лимонзор оралатиб ошқовоқ эдик. Ҳозирда бир майдондан икки хил манфаат кўряпмиз: ҳам

ва Хитойга бориб келганидан сўнг замонавий усуллари амалиётга жорий этишга ҳаракат қилляпти. Ҳозирда қаламча орқали лимон кўчатлари тайёрлаб, йил якунига қадар 30 минг туп ниҳол етиштиришни мақсад қилган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда вилоятда узумчилик соҳаси тез ривожланмоқда. Айниқса, ортда қолган йили Президентимизнинг 2023 йил 8 августдаги “2023–2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Жоңдор туманида бу йўналишда ўзига хос тажриба мактаби шаклланди. Кимё фанлари номзоди Баҳриддин Бешимов раҳбарлигидаги “Муҳиддинобод” хўжалигида узумнинг машҳур навлари илмий ёндашув асосида кўпайтирилмоқда, кўплаб хонадонларга тарқалиб, янги боғлар барпо этилишига туртки бўляпти.


– Биздан ўрганиб, ўз томорқасида ушбу хайрли ишни изчил давом эттираётганлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда, – дейди Баҳриддин Бешимов. – Айни пайтда 50 минг тупдан зиёд кўчат тайёрлаш устида ишляпмиз. Бу эса ҳосилдорликни кўпайтириш билан бирга, хўжалигимиз ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, Бухоро вилоятида аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар халқимиз дастурхонини тўқинлиги, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Энг муҳими, ерга муносабат ўзгариб, меҳнатга ёндашув янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳамид ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси



АСЛ САНЪАТ ИНСОНИЙ ИЗТИРОБЛАРДАН ЯРАЛАДИ



Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби

“Санъатнинг сарҳади, изтиробнинг миллати, гўзалликнинг мазҳаби бўлмас... Айрим санъат асарлари умуминсоният овозига айланган сари унда ЎЗЛИК ҳодисаси ўшанча қайтариб бораверар экан. Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ижоди миллий сарҳадлардан ўзган миллий санъатдир. Унинг ижросидаги умуминсоний туйғулар шарқона ҳароратга бурқалганча осмонда эълон қилинган санъатидир. Яқинда 80 йиллик юбилей олий даражада нишонланган улғун санъаткорнинг умр санъатини тобланган фикр-мулоҳазаларидан газетхонларга илдиндик.

Мен ўзбекнинг икки буюк ўғлини Ботир Зокиров билан Абдулла Ориповнинг ўзаро суҳбатларига кўп гувоҳ бўлганман. Улар ўзбек миллатининг тарихи, адабиёти ва санъати ҳақида куйиниб, яйраб гаплашарди. У суҳбатлар ёзиб қўйилганда эди, авлодларга қоладиган бетакрор хазина бўларди. Уша суҳбатлар менинг бутун онгимга, қалбимга, вужудимга сингиб кетган. Ҳамон ўзим билан қолганимда, ўша гурунларни кўрсайман, қанчалар бахтли одам бўлган эканман-а деб ўйлайман. Эсласам, ичим шодликка тўлади.

Шеърятга ҳурмат туйғуси ҳам Ботир акамдан мерос. Улар кўшиқда шеърнинг мағзини олиб чиқиш кераклигини айтди. Кўшиқ яралишида шоир, бастакор ва ижрочи уйғунлиги жуда муҳим. Шеър кўшиқнинг устуни. Илҳомни айнан матн дунёсига олиб чиқиш кераклигини айтди. Мисралар ичра яшириниб ётган юракни топа олсангиз бас, мушқаси ўзи билан келад. Масалан, раҳматли Туроб Тўланнинг “Мажнунтол” шеърининг мушқий ғояси ўзида эди. Лекин ҳозир ижрочилар шеърга эътибор бермай қўйишди. Бу бизга ярашмайди. Ўзбек айнан шеърли хазина борасида ғариб эмас. Ҳазрат Алишер Навоийдек буюк шоири бор миллатга енгил-елпи шеърларга кўл уриш ярашмайди.

1993 йилларда “Мана Латвияда Раймонд Паулс, Озарбойжонда Пўлат Булбул ўғли Маданият вазири, сени улардан нима манг кам?” деб айтишганида мен “Нима айб қилиб қўйдим?” деганман. Саҳнада бўлсам, санъатга кўпроқ ёрдамим тегишини айтганим. Йиллар ўтиб барибир шу тўхтама келинди. Ушанда “Майли, ижодий сафарларида юраверсин, хоҳлаган кўшиғини айтаверсин, лекин Маданият вазири лавозимда ҳам бир кўрайлик-чи”, дейишганди. Аввало, мен йўқ дея олмасдим. Уйлагандимки, бутун умрим санъат оламида ўтди, зора санъаткорларга фойдам тегай деб, лекин сал адашибман. Кабинетда мени бошқача муаммолар, бошқача масалалар кутиб турган экан. Ҳечқурса театрлар билан боғлиқ масалаларга фойдам тегайман, деб ўйловдим. Лекин тепа топириқлари билан овозга бўлиб қолдим. Хуллас, мен тизимни бошқачароқ тасаввур қилган эдим...

Ботир акам ўта принципли, баланд-парвоз расмиётчиликка муроасиз инсон эдилар. “Виждоним қабул қилмайди, бутун вужудим уларни инкор этади”, деган гапни кўп айтди. Амали гапига мос шахсият эди. Хос характер эдилар. Акамдаги қатъиятга, эркакча сифатларга доим ҳавасим келган. Ҳамиша санъаткор масъулияти, истеъдод эътиқоди ҳақида гапирардилар. “Минбар ё саҳнага чиқибдек шарафга эга бўлдингми, сени тинглаётганлар олдида кўп қўйибсан!” Нимани кўлайсан, нима ҳақида гапирасан, аввал ўзинг ишон, деб таъкидлардилар. У киши учун ҳамма нарса юқори савияда бўлиши керак эди. Дадам ҳам санъаткор юриб-туришига, фельд-авторига, мулоқотда маданият бўлишини айтди. Лекин акамдан фарқи ўлароқ ҳалим, киши кўнглига қарайдиган, муроаси, ён берадиган инсон эдилар. Ёш болалар билан “сизлаб”, ўзларига тенг қўриб гаплашардилар. Ботир акам эса бошқача, одамга, оламга муносабати аниқ, кези келса ўта кескин эди. Адабиётини, тарихини, санъатни теран таҳлил қиларди, кўп мурола қилганидан, буюклар оламида кўп юр-

гани учун ҳам ўлчовлари катта, мезонлари баланд шахс эди. Айниқса, қариндошларни аяб ўтирмадилар. “Ака, нима қилибди битта кўшиқ айтсам”, десам, “Йўқ ука, олдин ўқи”, деганлар...

Кўшиқдаги уч унсур – мушқия, шеър ва ижро уйғунлигини бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Булар тирик жонга ўхшайди. Бир бош, бири қўл. Хонанда мушқия ва матни нафақат бирлаштиради, ўз ҳаётини қарашларини, ҳиссий муносабатини ҳам кўшади. Шундагина мукамал ижро яралади. “Газли” ва “Қайдасан, азизим” кўшиқларининг яралишига гувоҳ бўлганман. Жуда катта жараён кечган. Икром Акбаров, Туроб Тўла ва Ботир Зокиров бир жону танга айланарди. Кўшиқда уч хил онг, уч хил ҳиссиёт омухта бўлиб кетган. Бугун ҳамма нарсани компьютер ихтиёрига топширганмиз. Компьютерда на дил бор, на онг бор. Унда муносабат йўқ. Ўз номи билан техника. Шу учун ҳам бугунги эстрада илгариги соф, юксак эстрада эмас. Ҳақиқий мушқий асар руҳий тўлқоқлардан, инсоний изтироблардан, мубаталоқдан яралади. Ичинг ишққа тўла бўлса, чиндан ҳам чўп найга айлана олади. Ботир акам ишқ одами эди, мажнун эди. Оқдий нарсалардан гўзаллик ярата оларди. Кўшиқ орқали чикара олманган ҳис-туйғуларини мўйқалам ихтиёрига топширарди. Мўйқалам ҳам ошиз қолса, шеър юқоқлар қоралашга тўшардилар. Ёстиқлари тағидан топиладан “Лайли” шеърини эсланг... “Қайдандир наво келтирар бу тун / Қўйлағай гўё оҳ уриб Мажнун” Охири альбомлари учун шеърларни ўзлари ёзмоқчи бўлганлар, шекилли, “Лайли” дардида бир йил юрдим. Акам мушқамни қабул қилариди ё йўқми, деб кўп ўйлаганман... Бастакорлик фаолия-

тимни бошлаётганимда ҳам Ботир Зокиров дастурига лойиқ куй ёза олармиканман, деган талабни қўйганман ўзимга...

ОЙНА

...Вилоятлардан бири марказида очилган ҳусусий университетда таҳсил олаётган жиянининг ўғли билан баҳордаги таътилда кечган суҳбатимиз таъбирдан ҳали ҳамон чиқиб кетолмаганман. Тарих факультетининг тўртинчи босқич талабаси ўз тенгқурларидан чиқиб қайга борарди, дерсиз? Кундузи кенг ва шинам дарсхоналарда фидойи муаллимлардан узоғу якин тарихимиз солномаларидан сабоқ олиб, бўш вақт топди дегунча қўл телефондан айрилолмаётган авлод вакили ўлароқ ҳақиқатнинг асл қиёфаси қайдалигини аниқлай олмагани хаёлларимни остин-устун қилиб юборди.

Саволини эшитинг: “Бухоро шаҳри юз йил аввал қандай аталган?”
Уттиз йилча бурун нишонланган бу шариф шаҳарнинг 2500 йиллик тантаналарида иштирок этганим учун бу савол осмондан тушгандек туюлди менга. Жавобим ҳам шунга мос бўлди: “Юз йилни қўявер, минг, икки ярим минг ва балки уч минг йил олдин ҳам бу шаҳар Бухоро деб аталган. Тўғри, тарихимизда айрим шаҳарлар ўз тарихида атамаларини босқинлар сабаб, ҳукмдорлар қошу қовоғига қараб ўзгартган ҳолатлари бўлган. Масалан, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз... Лекин бу каби эврилишлар дунёдаги тўртта “шариф” мақомидаги шаҳарлардан бири бўлиши Бухорога ҳеч қачон таъсир қилмаган”.
Бу исбот талаб қилмайдиган сўзларимни эшитган бўлгуси тарих фани ўқитувчиси бир “илмий” мақолани телеграммимга ташлаб берди. Бошқа миллатга мансуб тарих фанлари доктори, профессор қаламига мансуб мақоланинг илк бандини ўқибоқ қилиб юбордим. “Шўро доҳийлари ўз номларини абадийлаштиришни тириклигидаёқ бошлашган. 1924 йил Ленин вафотига қадар унинг номи билан аталган манзиллар сони юздан ошган бўлса, кейинчалик Сталиннинг номи абадийлаштирилган манзилу мақомида санада адашди мумкин. Биринчи раҳбарлардан ўрнак олган бошқа доҳий ва доҳийваччалар бу анъанани муносабага айлантиришган. Масалан, Бухарининг номи Ўзбекистондаги энг қадим шаҳарлардан бирига берилган ва у Бухоро деб атала бошлаган...”
Куласизми, куясизми? Тасаввур қиласизми, яна кимсан фан доктори даражасига эришган “оға” мизнинг Фирдавсийни ўқимагани аниқ, аммо ақали бир ярим аср илгари Туркистоннинг забот этилиши, истибодга мажбур бўлинган уч хонлик ва амирлик тарихини ҳеч бўлмаганда мактаб дастури доирасида билмагани фожиа эмасми?
Буюк Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланган кезларда шимолдаги “дўстлар” YouTubeда ёйинлаган подкастга тасодиф кўзим тушувди. Унда Амир Темури ҳарбий юришлари давомида 17 (!?) миллион кишини қатл қилгани “ишончли манбалар билан” исботлашга уринилади. Бу тўхтама эътибор бермоқчи

эмасдим-у, ўша кунлари маърақада катта ёшли бир маҳалладошим ўша рақам қай даражада тўғри, деб сўраб қолса бўладими. Олти аср илгари Марказий Осиё, Хуросон ҳудудларидаги катта-кичик давлатлар ҳудудиде яшаган

“Мактаб дастури”га урғу беришимиз қай даража ўричили? Одатда ўзимизда ҳам тарих фани мактаб дастурида ҳали-ҳамон жуда қисқа, яъни сана ва ихчам маълумотлар жамланмасидан иборатлигига қолмоқда. Тарихимизнинг эврилиш даврларига муस्ताқиллик мафкураси нуқтаи назаридан теран ва ошқора қараш, тарихий вазиятларнинг очқич нуқталарини кўрсата билиш, воқелиқлар сабаблари ва туб илдишларини ошқора кўрсатишда оқсаш ҳолатлари анчагина.
Бунисига ҳам чидаш мумкин. Аммо бу ёқда ижтимоий тармоқларни “асл тарихчилар” эгаллаб олишгани, турли-туман сайтлар, подкастларда кунда-кунора “янги тарих яратаётганлар”ни ким деб аташ мумкин?
Тарихни ҳар ким “ўз қаричига қараб ўл-

лишдан тўхтамаяпти. Агар ана уни эшитсангиз, маълум бўладики, дунёда салтанат тузиш, ўзга юртларни босиб олишда туркийлар олдида тушадиган миллат йўқ гўё. Алмойи-алжойи гапларига кўра, салкам уч минг йиллик ёзма тарихига эга қадим Рим салтанатини ҳам қайсидир туркийгўй бобомиз яратган эмиш. Буниси энди ошиб тушди. Бу қилиғи билан анави саводсиз кимса чин маънода тарих илми учун жон фидо қилган юртдошларимиз обрўсига ҳам соя солмаётганига қафолат борми? Афсуски, йўқ!

“Ургимчак уяси” номини олган ижтимоий тармоқлар алақачон турли миллат ва қавмлар ўртасида “тарих талашини” майдонига айлиниб улгурган. Бунда ўзаро ғарзлар, ҳасадлар, мақтанлишар пойгаси кундан-кунга

каст (аслида пасткаш деса тўғри)ларни томоша қилаётган, уларга аъзо обуначилар сонига бир қаранг, айримларида кунда-кунора миллион ададли томошабин “мих” ланиб утиради. Уларнинг кўпчилиги ёшлар эканлиги билдириладиган муносабатларда аққол қўрилади, яъни уларни лотин алифбосида ёзмашлари фож қилиб қўяди...

...Очиғи. Бундай сохтакорликлардан ўп-кашшимиз ортиқча. Чунки ўзимиздан чиққанларим пеш эмас саводсизлик бобиде. Бир гуруҳи билимдонлик қилиб, Алишер Навоий ҳазратлари шаҳарасини пайғамбаримиз (с.а.в.)га олиб бориб тақаса, яна бир тўдаси миллимиз атамасини яхлитлаган Мухаммад Ўзбекистонни зиндон бўлган ҳаромзода деб оғиз кўпиртиришдан орланмайди. Олиму раҳбар бўлган яна бири фан топди дегунча Кўтайбақ қабрига тош қалаб, ахли мўминлар устидан очик-ошқора қўлишдан завқ олади, ҳузурланади...

Энг ачинарлиси, ҳозир тўртта китоб ва рақлаган одам борки, ўзича “тарихчи”. Мавжуд манбаларни қиёсан ўрганмаган, архивлардаги ҳужжатлар чангидан тотмаган бундай кимсаларнинг тиллари бир қарич. Тарих ҳар ким “кўрпасини ўз устига тортадиган” нимарсага айлиниб бораёпти, индамасангиз. Энг ёмони, шундайлар ўзлари ишонган чўпчакларга кўрсонли обуначиларини ҳам ишонтирмаққа уриняпти. Айниқса, ёшлар орасидаги содда, гўлларни.

Баъзи пойинтар-сойинтар маълумотларни мутлак ҳақиқат деб санайдиган бир блогер домла улғунгиз драматурги Вильям Шекспир ҳақида чиқиш қилиб, уни Шарқдан чиққан ахли уламолардан, асл руни-баси шайх, ўз ортидан мингларни эргаштирган пир макомига эришгани учун уни Шайх пир аташгани, инглизлар бу атамани ўз тилларига мослаб Шекспир деб ўзгарттиришгани ҳақида ҳеч иккиланмай (уялмай-нетмай десак тўғрироқ бўларди), ўзича эртақ тўқиб юрибди. Худди ана шу саводи “гуллаган” одам яна бир буюк олим ва шоир Умар Хайёмни майга муккасидан кетган бир кимса сифатида ёмонотлиққа чиқариб юрганини қандай оқлаш мумкин?!

Тарих тақдорланмайди, тузилмайди, деган оддий ҳақиқатларни инкор қилаётган бу кимса гумуроқларга тенг бўлиш, рад этиш, тўғроқ бўлишнинг чораси битта: бу ортимиздан келётган ёш авлодга бой ва аянчи тарихимиз, ўтмишимиз ҳақида тўғри, холис ахборот, маълумотларни тақдим этиш шарт. Аксинча, юқорида тилга олаётганларимиз тегириғонига ҳар тарафдан ёлғон-яшиққа тўла манбалардан сув қуйилиши тўхтамайди.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI as” мухбири



ТАРИХ ЭРТАК Ё ТЎҚИМА ЭМАС, ҲАҚИҚАТГА СУЯНАДИ

одамлар нуфузи қанчалиги, буюк саркарда етита катта юришларида ёғий томон лашкарларидан қанчаси жанг майдониде ҳалок бўлгани борасида озорқ маълумот беришга мажбур бўлдим...

Майли, турли бўхтону ёлғонларга билганимизча раддия беришимиз керак, аммо кишини уйлантираётгани шу каби ёйинламанларни кўпчилик кўраётгани ва улардаги ёлғонларга ишоняшётгани. Ушбу ёлғон маълумот остида обуначилар ва тасодиф кириб қолган одамлар қолдирган кўпдан кўп муносабатлар ўзбек тилида ёзиллаётгани ҳамда айримларида маъқуллаш, қўллаб-қувватлаш аломатлари бисёрлигига нима дейсиз?

чаши, алақоқибат баҳс-мунозарага чорлашда, тан олиш керакки, YouTubeнинг олдида тушадигани йўқ. Илмий даражали олимлар бир ёқда қолиб, хатто тарихни мактаб дарслиқлари даражасида билладими-йўқми ўзидан даҳо-чалар ясаб олган қатлам вакиллари кунора кўпайиб бормоқда.

Оддий мисол, бир ўртаёна хонанда яқиндан буюб бир думалаб “тарихчи”га айлан-волиб, мунтазам равишда ахли ноқисларга “сабоқ” беришга ўтганини кўриб ёқамни ушла-дим. Тинчгина, тўй-пўйларда кўшиғини ай-тиб юравермайсани шундан кўра, дейдиган одам йўқми, ўша машшоқ обуначилари учун ўзининг эшитган “ҳақиқатлари”ни тарғиб қи-

авж олаётир. Пойгада ортада қолмаслик учун мингдан бир ёлғонлар тўқиб уят бўлмай қол-ган. Бошқа миллат вакили бўлиш “тарихчи”ларнинг ёлғонларига чидаш, уларга раддия бериш қийинмасдир, бироқ ўзимиздан чиққан саводсиз “балойи офат”ларнинг очилиб қол-ган жағини қандай ёпиш мумкин, айтинг!

Вақтли матбуот ҳисобланмиш илмий, адабий-бадий журналлар, ижтимоий-сиёсий газеталар, шунингдек тарихий китоблар адади камлиги, уларнинг ўқувчилари сони озлиги, ўқирманлар сафи тобора камайиб бораётгани учун ҳам ижтимоий тармоқлардаги шаллақи, сохта “тарихчи”лар улқоқи олиб қоцаётгани рост. Ишонмасангиз, ана шундай сайт, под-